

84
M29

МАРҲАБО

Ўқини еб, ўрса кемап



84
U-29/16duonotoco shodine

МАРХАВО

ЎЎЛИНИТ ЁБ ЎРТА КЕТАР...

Шеърлар

1600

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

TOSHIKEHT

«LESSON PRESS»

2017

КНИГА ДОЛЖНА БЫТЬ
ВОЗВРАЩЕНА НЕ ПОЗЖЕ
УКАЗАННОГО СРЕДЬ СРОКА

КОЛИЧЕСТВО ПРЕДАВАННЫХ

ВУДОВ

УЎҚ: 821.512.133-1
КБК 84(5)6
М 29

М 29

Мархабо, Каримова.
Ўғлинг еб ўрта кетар... (шърлар) / — Тошкент:
"LESSON PRESS", 2015. — 88 б.

УЎҚ: 821.512.133-1
КБК 84(5)6

Эслатма:

*Китобни кўчириб чоп этиш шърларни кўшиқ қилиш
муаллиф рухсати билан амалга оширилади.*

ISBN 978-9943-4666-3-0

© Мархабо КАРИМОВА, 2017
© LESSON PRESS нашриёт, 2017

..... Асал ойи

КАТТАЛАРГА НАСИХАТ

Дирақлаган уйларинг чанг бўлсам, сиқилма,
Рўзгорингда бир нима кам бўлсам, сиқилма,
Ташвишлардан кунда бир жанг бўлсам, сиқилма,
Ўғлинг еб, ўрта кетар, қизинг еб, кирга.

Чайнаётган нонингни «боламга», деб ўласан,
Катта бўлгач, тап билан бир силгаса, сўласан,
Бино кўйма, сийлама, папалама, кўрасан,
Ўғлинг еб, ўрта кетар, қизинг еб, кирга.

Кариганда ғалвани кўтаролмас юрагинг,
Қани ота-оналар — суянчигинг, тиргалинг?
Ўтиб қолсанг, оғирсанг, кимга бўлар керагинг?
Ўғлинг еб, ўрта кетар, қизинг еб, кирга.

Ғамни олсанг кўнглига, тўлиб кетаверасан,
Офтоб урган майсадай, сўлиб кетаверасан,
Юрагингни чангаллаб, ўлиб кетаверасан,
Ўғлинг еб, ўрта кетар, қизинг еб, кирга.

Ўзин боққанинг қолиб, боласин ҳам боқасан,
Куч-қувватинг борида ҳаммасига ёқасан,
Ўзинг учун бир бора чиққанмисан боққа, сан?
Ўғлинг еб, ўрта кетар, қизинг еб, кирга.

Уйлантиру болангни, бўлак қилгин уйини,
Ўзи тортсин рўзгоринг ташвишини, ўйини,
Кўриб турсанг бўлгани, соғ-саломат бўйини,
Ўғлинг еб, ўрта кетар, қизинг еб, кирга.

Таъма қилсанг бир нонни, чимирилар қошлари,
Сенсиз пишиб ёйилар, ёгликқина ошлари,
Югуришар олдинта, оғриб қолса бошлари,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Эрининг топганини, ўйнаб еркан бир аёл,
Ўғлининг топганини, ўйлаб еркан бир аёл,
Бекорга айтилмаган, халқ ичида бу мақол,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Майли, тушган уйда яшнаб юрсин келинлар,
Мақтаб, алжаб, дуо қил, яйраб юрсин келинлар,
Қайнонаммас, онам деб, сайраб юрсин келинлар,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ялаб-юлқитган уйинг, келинларга қолодир,
Сендан кейин ким билар, не кўйларга солодир,
Уйим, болам, чақам деб, олаверма хавотир,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Меҳнат қилдинг тинмадинг, етганича имконинг,
Ўзинг учун ҳам яша, ғаниматдур ҳар онинг,
Толларга чиқ, ҳаво ют, жон-жон ўзингни жонинг,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўғилларда кўш улов, сен юрасан пиёда,
Ўзларидан ошмайди, моли бўлса зиёда,
Болам, болам, болам деб, нима кўрдинг дунёда?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўлсанг болаларинг ҳам қабргача боради,
Айтчи, унда сен билан қайси бири қолади,
Киёматда қай бири гуноҳингни олади?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кўнглинг кимни хушласа, ўша билан суҳбат қил,
Тиконларга қарама, тулга қараб роҳат қил,
Асабингни қийнама, юрагингга шафқат қил,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Жуфтнинг учун ясаниб, эй аёл, ҳеч толмагин,
Қарилкни бўйнингта асло-асло олмагин,
Ўнта боланг бўлса ҳам, эргинангдан қолмагин
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кунлар кетар инжиқ чол биров келмас ёнингта,
Шу илмилқ кампиринг оро қирад жонингта,
Шукр қил бирга ўтган ҳар соат, ҳар онингта,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Тўрт пул топсанг ярминни кексаликка олиб кўй,
Йигиб, эски нимчангнинг чўнтагига солиб кўй,
Ўн бола бир отани боқолмайди, билиб кўй,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кўлинг ишда ва лекин Раббанода бўлсин дил,
Ғийбат, ҳасрат гапни кўй, субҳонлолҳ айтсин тил,
Бу дунёнинг нонин еб, у дунёнинг фикрин қил,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Йигиттириб умрнинг қолганини — борини,
Марҳабохон, қилгайсан охирагнинг корини,
Кулогингта кўйиб ол бу насиҳат — дорини,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

ҲАЛИ АЁЛ БЎЛМАБСИЗ, ПОПШО

Уйини безаб, тузатсангиз ҳам,
Эрни кутиб, кузатсангиз ҳам,
Ўнта қизни узатсангиз ҳам,
Ҳали аёл бўлмабсиз, попшо.

Уйингизга келин келган йўқ,
Юрагингиз ҳали қувноқ, шўҳ,
Кафтингизда тутмагансиз чўғ,
Ҳали аёл бўлмабсиз, попшо.

Ташвиш сиздан бир қалам нари,
Меҳнатларнинг келмади гали,
Зўр синовлар олинда ҳали,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Кўзларингиз ҳали сурмалик,
Кўйлагингиз ёқа, тутмалик,
Уйингизда ғалва йўқ, тинчлик,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Кўнгли куши сайраб турибди,
Орзулардан яйраб турибди,
Ёв у кўнни пойлаб турибди,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Бир бетона куш келиб унда.
Асабингиз «титали» кунда,
Билмасликка оласиз шунда,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Қандай тулсиз, исингиз чиқар,
Чин киёфа, тусингиз чиқар,
Ё тилло, ё мисингиз чиқар,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

— Марҳабохон, шеър ёзмай кетинг,
Нима қилай бўлмаса, айтинг?
— Тинч кунларнинг қадрига етинг,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

БИРОВНИНГ БОЛАСИ УЙИМДА

Тўй қилиб, келинчак туширдим,
Ўзимга ўзим иш оширдим,
Ман энди... ман энди тушундим,
Бировнинг боласи уйимда.

Бакирмант, даласи, секин-ей,
Овозингиз бирам текин-ей,
Уйимнинг қайтига бекин-ей
Бировнинг боласи уйимда.

Ҳаммага қиламан илтифот,
Тилимга бўламан эҳтиёт,
Кўчага чиқмасин «аҳборот»,
Бировнинг боласи уйимда.

Келинлик бир келар, яйрасин,
Одлоҳим илтифот айласин,
Козоним гўшт билан қайнасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Сипороқ кийингин, вой, қизим,
Ибрат бўл келинга, ҳой, қизим,
Онангни тушунгин, ой қизим,
Бировнинг боласи уйимда.

Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,
Бахтингни йўлини тўсмасин,
Совчига ёмонлаб қўймасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Чимирилмасин деб қолшари,
Авайлаб шу келин пошшани,
«Сиз-сиз»лаб ҳайдайман пашшани
Бировнинг боласи уйимда.

Койишар: «Эркалаб, куласан,
Келинга «майли» деб турасан...»
Бошингга тушганда биласан,
Бировнинг боласи уйимда.

Нонини куйдирса, майлига,
Илшини синдирса, майлига,
«Адвокат»ман ўша Лайлига,
Бировнинг боласи уйимда.

Болам дер, тапирсам: «Уф, бўпти»,
Билмадим, балки «куф-суф» бўпти,
Ўғлим ҳам кўшилиб, жуфт бўпти,
Бировнинг боласи уйимда.

Майли, мен — кайнона, кайнамай,
Келин ҳам тек юрсин, айнамай,
Бу ҳам бир кўртилик, айланай,
Бировнинг боласи уйимда.

Меҳр-ла кўнгилилар бойланар,
Қаҳр-ла юраклар лойланар,
Бир кун ўз боламга айланар,
Бировнинг боласи уйимда.

Мархабо дер: ичим кон, дўстлар,
Учрашиб турайлик, жон дўстлар,
Ҳасратдан юратим қон, дўстлар,
Бировнинг боласи уйимда.

ЎГИЛ БОЛАНГ — БИРОВНИНГ ХАСМИ

Ўғлимни қиз — бари ўз боланг,
Қизлар — меҳмон, дейишар расми,
Ўзингники асли — қиз боланг,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Ўстирасан бўлиб парвона,
Эта чиқар битта жонона,
Бу савдота бўлма хайрона,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Унутса ҳам ўз онасини,
Туғилган ҳовли — хонасини,
Унутмайди қайнонасини,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Қизинг жонин илиниб турар,
Юраклари тилиниб турар,
Меҳри кўздан билиниб турар,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Соғинганда йиғламай куттин,
Ичкмасдан ўзингни туттин,
Кўз ёшингни «Култ» этиб юттин,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Уй-рўзғори бўйнида хуржун,
Боламга дер, Худо берган кун,
Дуо қилу, чиқармагин ун,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Юрагининг устуни — ёри,
Совуқ қотса пўстини — ёри,
Боласига тошгани, бори,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Уришсалар қози бўласан,
Ўртада тарози бўласан,
Ўлимингга рози бўласан,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Иши тушса ёнингда чопар,
Ҳиндистонда бўлсанг ҳам топар,
Бошқа пайт кутма эй, модар,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Хафа бўлсанг койиб, тонасан,
Кечирасан, чунки онасан,
Тушун, мунча куйиб-ёнасан,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Жанжал қилма, онамисан, бас!
Келин сенинг кундошинг эмас,
Ўғлинг энди сирдошинг эмас,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Совчиликка боришдан олдин,
Сандикка сеп солишдан олдин,
Бир мантикка кўникиб олтин,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Келса-ю келмаса, дуо қил,
Билса-ю билмаса, дуо қил,
Берса-ю бермаса, дуо қил,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Меҳнатларинг — Худо йўлига,
Заҳматларинг — Худо йўлига,
Қаратиб кўмасин кўлига,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

Келинга тапирсанг мулойим,
Ўғлинг сендан рози ҳар доим,
Бу ҳаётлир, Марҳабо ойим,
Ўғил боланг — бировнинг хасми.

ҚИЗИМ, ҚАЙНОНАНГ — ТИЛЛО

Қизгинамни узатдим,
Ўз уйига кузатдим,
Кетарда бир сўз айтдим:
Қизим, қайнонанг — тилло.

Аразлаб келар қизим,
Жовдираб турар кўзим,
Безиллаб туриб ўзим,
Дедим: қайнонанг — тилло.

Дер: «Қайнонам тили ўқ,
Койиб, нолиб, урар дўқ,
Кўнгил билан иши йўқ...»
Дедим: Қайнонанг — тилло.

— Кечирмас, бурни осмон,
Эрим яхши, у — ёмон
— Бекор айтибсан, нодон, —
Дедим: Қайнонанг — тилло.

Икки кўлдан чиқар қарс,
Мулойим бўл, келгин паст,
«Хўп бўлади», десанг бас,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Аرز қилиб келгандям,
Ҳар нима дегандям,
Қизим ҳақ бўлгандям,
Дедим: Қайнонанг — тилло.

Кутиб олиб ўзини,
Бошламасдан сўзини,
Бекитаман оғзини:
Қизим, қайнонанг — тилло.

Қайтиб келса, «бор», дедим,
«Сента уйим тор», дедим,
«Пешона бозор», дедим,
Дедим: Қайнонанг — тилло»

Қизгинамни авраيمان,
Телефондям сайрайман,
Уйқумдям жаврайман:
Қизим, қайнонанг — тилло.

Чархни бузган — парраси,
Қизни бузган — онаси,
Бузмай ўлсин онаси!
Қизим, қайнонанг — тилло.

Уйини-уй бўлсин деб,
Айрилмоқни кўрмай эп,
Битта билан ўлсин, деб,
Дедим: Қайнонанг — тилло.

Қиз узатиб тўйлабман,
Кутилдим, деб ўйлабман,
Бекорларни сўйлабман,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Қизингмилур ўзингдур —
Бари юрак кўрингдур,
Тинчимаса шўрингдур,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Марҳабохон йиғлаб дер:
Юратим қони — бу шеър,
«Тиллохон»га инсоф бер,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Туғамайди ғавғоси,
Адо қилди савдоси,
Қиз туққаннинг жазоси —
«Қизим, қайнонанг — тилло».

ҚИЗИМ АРАЗЛАБ КЕЛДИ

Аёл эдим бир жаҳон,
Ўзал, қувноқ, соғ-омон,
Рангим бўлди завфарон,
Қизим аразлаб келди.

Эри айниб турганмиш,
Ким биландир юрганмиш,
Бир шاپалоқ урганмиш,
Қизим аразлаб келди.

Дедим: Айб ўзингда,
Кўпол-кўпол сўзингда,
Пардози йўқ юзингда,
Қизим аразлаб келди.

Дердим: кулиб кутиб ол,
Тертамасдан сўра ҳол,
Силаб-сийпаб йўлта сол,
Қизим аразлаб келди.

Ўсма қўймай юрматин,
Ковоқ солиб турматин,
Эски кўйлак кийматин,
Қизим аразлаб келди.

Жоним болам, битта бил,
Эринг — пошшо, эринг — пир,
Овқатини ширин қил,
Қизим аразлаб келди.

Болалари қайсар, шўх,
Қарамасанг босар чўё,
Тумтаяди қилсанг дўқ,
Қизим аразлаб келди.

Деймайман «тўхта, ҳой»,
Пардаларим шалтоқ, лой,
Ковушларим пойма-пой,
Қизим аразлаб келди.

Акалари авайлаб,
Боласин турар мактаб,
Тетиб кетар битта тап,
Қизим аразлаб келди.

Келинларим зириллар,
Киприклари пириллар,
Не тилайди кўнгишлар?
Қизим аразлаб келди.

Ўн беш кун бўлган кўни,
Соғинар ўз уйини,
Пойлар эрин йўлини,
Қизим аразлаб келди.

Инжиқипти ортали,
Йиғлайли, «ух» тортали,
Болаларин туртали,
Қизим аразлаб келди.

Уй галвага тўлади,
Дўсту-душман билали,
Қочиб кеттим келали,
Қизим аразлаб келди.

Камавр кулгу хандаси,
Қайнар эрим зардаси,
— Сабр қилинг, дадаси,
Қизим аразлаб келди.

Дардим тўлиб тошолур,
Юрак ўйнаб шошолур,
Кон босимим ошолур
Қизим аразлаб келди.

Марҳабохон, дил ярим,
Тўкилли болу парим,
Хабар олинг дўстларим,
Қизим аразлаб келди.

КҮЁВИМГА ИЛТИЖО (Қизим аразлаб келганда)

Күёв болам — ўз болам,
Менинг қора кўз болам,
Тилимда бир сўз, болам,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Эрка болам, арслоним,
Ойим турган осмоним,
Кўлингиздапир жоним,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Йипит борми сиздай мард,
Юраги тоза, бегард,
Икки дунё кўрманг дард
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Биз — темир, сиз — тиллосиз,
Биз — оми, сиз — муллосиз,
Биз — нодон, сиз — доносиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Қизимнинг ўзи ахмак,
Юрарди сизни мактаб,
Бир кетти-да аразлаб,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Тириклик деб юрсангиз,
Уй-жойим деб турсангиз,
Нима қипти урсангиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Рўзгор хуржун бўлади,
Тоҳ камиб, тоҳ тўлади,
Хотин деган кўнади.
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Болам, сизда ихтиёр,
Бўлмайлик озор-безор,
Ўртада болалар бор,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Кўп яшанг юзга етинг,
Қиз тушгүрни авф этинг,
Аллаб-суллаб обкетинг,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Ишламай ётсангиз ҳам,
Маст бўлиб қотсангиз ҳам,
Чойнакни отсангиз ҳам,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Бўлсангиз ҳам майдагап,
Юрсангиз ҳам ўнгу чап,
Мен ҳаминча сиз тарап,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Соғилтида — сизники,
Ўғлиники, қизники,
Касал бўлса — бизники,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Таксиримсиз, хўжамсиз,
Қимматбаҳо ўлжамсиз,
Ўзим очган жўжамсиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Марҳабохон, уққаним —
Гўнпта гунча суққаним,
Гуноҳим — қиз туққаним,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

МУРОСАСИЗ КЕЛИНЛАРДАН ДОД!

Онам ўлса «дод!» демаганман,
Эрим урса «дод!» демаганман,
Бир савдодан куйди жону тан,
Мурасасиз келинлардан дод!

Нима экан билмадим сири,
Отадаи бирита-бири,
Хеч бўлмаса дўст эмас тили,
Мурасасиз келинлардан дод!

Чимирилиб тургани қайси,
Ковоқ солиб юргани қайси,
Боласини ургани қайси,
Мурасасиз келинлардан дод!

1600

Бир-бирини силталаган чок,
Юратимга санчилар пичок,
Ўғилларим бўлишди тарқок,
Мурасасиз келинлардан дод!

Кўнглим тинмас бир ерга чиқиб,
Бири бирин олса-я чўқиб,
Яшапман безиллаб, кўрқиб,
Мурасасиз келинлардан дод!

Қанотимни қайирворишди,
Житарларни айирворишди,
Обурайимни лойга қоришди,
Мурасасиз келинлардан дод!

Талашасан нимани, нодон?!
Пойингга ер, бошингга осмон,
Бу дунёга ҳаммамиз меҳмон,
Мурасасиз келинлардан дод!

Ўтмиш бўлса нима дер эди?
Тўрт хотинга битта эр эди,
Ўшаларам «шукр» дер эди,
Мурасасиз келинлардан дод!

Асти одам бўлишармикин?
Чирой очиб кўришармикин?
Ахил бўлса ўлишармикин?!
Мурасасиз келинлардан дод!

Бошқа уйим бўлганда, ё Раб,
Шулар билан юрмасдим яшаб,
Кетар эдим шу уйини ташлаб,
Мурасасиз келинлардан дод!

Ерга қамиш, бўйрами тушаб
Аталами, умочми ошаб,
Чошим билан қорардим яшаб,
Мурасасиз келинлардан дод!

Оёғимни — ўғил қилволсам,
Кўларимни — келин қилволсам,
Қилар эди не ишта солсам,
Муросасиз келинлардан дол!

Доно келин элгузар — зиё,
Нодон келин юртбузар — бадо,
Шуларга ҳам инсоф бер, Худо,
Муросасиз келинлардан дол!

Безор бўлдим ковоқ-қошидан,
Кечдим қилган нону-ошидан,
Хизматиям қолсин бошидан,
Муросасиз келинлардан дол!

Марҳабохон, боқмай ёшимга,
Ўлим келса кўккис бошимга,
Ёзиб кўйинг қабр тошимга:
«Муросасиз келинлардан дол!»

«АСАЛ ОЙИ»

Чет элда тўйдан кейин,
Ёшлар тарқ этиб уйин,
Бир ой саяҳат, ўйин —
«Асал ойи» бошланар.

Ўзбекларда бошқача,
«Асал ойи» — бир кеча,
Сўнг ҳар тонт сутур кўча,
«Саҳар ойи» бошланар.

Бечора келин-куёв,
Тунда учрашар бирров,
Сўнг кўнгли айтиб дарров,
«Ташар ойи» бошланар.

Бўлишар ота-она,
Олти йилда тўрт бола,
Мақтабга-ю, боғчага,
«Чопар ойи» бошланар.

Керак кўп пул топиши,
Уй қуриб, том ёпиши,
Камлик қилиб чопиши,
«Учар ойи» бошланар.

Қиз етилгач узатиб,
Зеб-зийнат-да кузатиб,
Сандиқларни бўшатиб,
«Соҳар ойи» бошланар.

Келин чикса бедаб,
Кўчага ташийти гап,
Хонадон сирин боллаб,
«Очар ойи» бошланар.

Билгунча ўнгу-чапни,
Тушунтиролмай тапни,
Йиглаб-сиктаб асабни,
«Бузар ойи» бошланар.

У болангдла у галва,
Бу болангдла бу галва,
Тинч ўтириш қаёқда?
«Заҳар ойи» бошланар.

Ўғил-қизнинг савдоси,
Битмас экан ғавғоси,
Жонга тегиб навдоси,
«Касал ойи» бошланар.

Уйлаб-жойлаб, «кутилиб»,
Ташвишларга тутилиб,
Соч оқариб, хол қуриб,
«Яшар ойи» бошланар.

Ўзи чун шўрлик банда,
Яшашни бошлаганда,
Охират диёрта,
«Сафар ойи» бошланар.

Бу бир эски ақида,
Бундай яшамок хато,
Ҳаётнинг ҳар онини,
Эҳтиёт қил, Марҳабо.

Бериб кўйма юракни,
Таъвишларнинг кўлига,
Ўғил-қиз ҳам, жигар ҳам,
Ҳаммаси ўз йўлига.

Тақдирнинг ҳеч ишини
Қолипта сололмайсан,
Олгоҳнинг дунёсини,
Сен бошқара олмайсан.

«Нега ундай, бундай?» деб,
Қилаверма ташвиш, ўй,
Эшлай олмапсанми,
Ўз ҳолига ташлаб кўй.

Ҳаёт не бўлса-бўлди,
Охират ғамини қил.
Буям битта рўзоринг,
Неси йўқ, камини қил.

Шукру тавозеъ ила,
Уриб турса ҳар юрак,
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси,
Асаб бўлиши керак.

КУТИЛАСАН

— Болалардан қутилганимиз?
— Алҳамдулиллаҳ, қутилганиман.
Суҳбатдан.

Ўғил уйгаднинг алҳол,
Қиз узатдинг йигиб мол,
Нафасингни қаттиқ ол,
Қутиласан-а, қутиласан!

Энди «чаллар»-чақирик,
Ҳар шаҳарда ҳар қилиқ,
Мол кетар сандиқ-сандиқ,
Қутиласан-а, қутиласан!

Шу билан битсайди иш,
Ҳам қувончу, ҳам ташвиш,
Керак суннат тўй қилиш,
Қутиласан-а, қутиласан!

Суннат бўлган ёш бола,
Ясанар ота-она,
Кўтар қарзи хасана,
Қутиласан-а, қутиласан!

Гоҳ қиз келар тўлғайиб,
Икки ёққа гап чайиб,
Ўзи оппоқ-беайб,
Қутиласан-а, қутиласан!

Кўлида бир боласи,
Қорнида бир боласи,
Ёмонмиш қайнонаси,
Қутиласан-а, қутиласан!

Гоҳ шўхлик қилар кувё,
Гапи келади дарров,
Бари жонингга эгов,
Кутиласан-а, кутиласан!

Келин бошласа ғалва,
Бу кўрганларинг ҳолва,
Астафидуллоҳ, тавба!
Кутиласан-а, кутиласан!

Кўлин кўйиб белига,
Сапчиб турса эрига,
Ботиб ғазаб терига,
Кутиласан-а, кутиласан!

Ўғлинг бошлайди: «Эсиз,
Кўп эди дунёда қиз,
Шуни ўзиз топансиз»,
Кутиласан-а, кутиласан!

Туғиб кўйганинг учун,
Боқиб кўйганинг учун,
Сендан олишар ўчин,
Кутиласан-а, кутиласан!

Хар кун баҳор, ёзу қиш,
Чиқиб турар бир ташвиш,
Бу не ҳаёт, бу не иш?
Кутиласан-а, кутиласан!

Боланг пули халтада,
Сенинг пулинг ўртада,
Буям янгича мода,
Кутиласан-а, кутиласан!

Эркакун хотин яна,
Хайлашадди машина,
Омон келишармикин-а?
Кутиласан-а, кутиласан!

Эшикка қараб зир-зир,
На ош ва на нон татир,
Ичинг тўла хавотир,
Кутиласан-а, кутиласан!

Кўчаларни мой ютар,
Уйдагилар қон ютар,
Бу кунлар қачон ўтар,
Кутиласан-а, кутиласан!

Ота-она токи бор,
Болата қул, хизматкор,
Бошқа изоҳ не даркор?!
Кутиласан-а, кутиласан!

Эй, Марҳабо, бечора,
Сўраб қолишса яна:
«Кутилганман», дейсан-а,
Кутиласан-а, кутиласан!

Уйлаб-жойлаб меҳнатнинг
Зўрроғига тутиласан.
Кутиласан-а, кутиласан!

КУДА БЎЛДИК

Яншар эдик бўлиб ўртоқ,
Бир-бирова очиб қучоқ,
Ўтсиз қолди энди ўчоқ,
Куда бўлди-жуло бўлди.

Ёқалашдик ёшларни деб,
Шу икки бебошларни деб,
Биров еган ошларни деб,
Куда бўлди-жуло бўлди.

Ака-ука, опа-сингил,
Гаплашардик гантир-гүнгир,
Аразлашик, қолди кўнгил,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Қариндошлар тараф-тараф,
Жавдирашар бизга қараб,
Гурунглашолмаймиз айраб,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Кўшним эди жонажоним,
Битта эди дастурхоним,
Кўшилганда энди қоним,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Яхшийдим-я ниётимиз,
Чиқиб қолди иллатимиз,
Эсизгина меҳнатимиз,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Қарамадик ўнгу-чапта,
Қулоқ солдик майда гапта,
Ҳасрат қилдик чор тарафта,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Фарзандлар-ку яшар бирта,
Ёмон бўлди фақат бизга,
Қўрпа куйди, тирик бурта,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Эслаб ёмон сўзимни ман,
Уришаман ўзимни ман,
Энди очдим кўзимни ман,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Миннатли ош тузим қурсин!
Англишасиз юзим қурсин!
Шу чақимчи қизим қурсин!
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Отоҳ этай энди сизни,
Бетонага беринг қизни,
Нима жинлар урди бизни,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

Марҳабохон, бу дунё кенг,
Кимки тўйга шимарса енг,
Таваккалту ал-аллоҳ, денг,
Қуда бўллик-жудо бўллик.

ҲАСРАТ

Қиз топ, йигит бойи учун,
Қуёв топ, қиз ойи учун,
Бир кийимлик шойи учун,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Яшамасдан тинч, бахтиёр,
Бир-бирига берар озор,
Жанжал чиқса ман айбдор,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Бахтли дамда эсламайди,
Бир нон билан йўқламайди,
Милтигингни ўқла, майли,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Ҳўрайса йигит отаси,
Тумтавр қизнинг онаси,
Қўришмай ўтар боласи,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Оллоҳсиз бахт келишмайди,
Наҳот шуни билишмайди,
Пешонадан қўришмайди,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Куда томонни кўндириш —
Бармоғингга қуш кўндириш,
Осонми бир иш дўндириш?
Ўртада турмай, ман ўлай!

Қон қилади эрим сўқиб,
Ҳар кўрганда захрин тўқиб,
Адо бўлдим кўнглим чўқиб,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Менга нимайди қиз топиб?!
Икки ёкка тинмай чошиб,
Кучутиям кетар қошиб,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Тинч ўтирсам бўлмасмили?!
Қорним ўлтур тўймасмили?!
Эрсиз қолиб ўлмасмили?!
Ўртада турмай, ман ўлай!

Ўйлабманки, савоб бўлар,
Бир кун яхши жавоб бўлар,
Ичим куйиб кабооб бўлар,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Қадри кетган олтин бўлдим,
Бир эси йўқ хотин бўлдим,
Марҳабохон отин бўлдим,
Ўртада турмай, ман ўлай!

СЕЗГИР ОНА

Ўғил деди онага:
Кўрсатаман икки қиз,
Қайси менга ёқинин,
Билиб олинг ўзингиз.

Бирини пушти кўйлақла,
Бирининг кўйлаги оқ,
Иккисиям чиройли,
Ўғалликла — кўгирчоқ.
Биттасини кўрганда,
Кўнглим нурга тўлади.
Топволдинг-чи, қай бери
Сизга келин бўлади?

Она кўнгли сезаркан,
Топди ўғли суйганин,
Деди: Менинг келиним-
Пушти кўйлақ кийгани.

Ўғил деди: Офарин!
Топдингиз-а, онажон,
Қойил қолдим, хушёрсиз,
Адашмайсиз ҳеч қачон.

Энди айтинг, қоши ё,
Кўзидан сездингиз? — Йўқ.
— Туриши, юриши ё,
Сўзидан сездингиз? — Йўқ.

— Бўлмаса қандай қилиб,
Юрагингиз сезяпти?
— Билмадим, шу қизни
Кўрсам, гашим келяпти.

ТАСАЛЛИ

Менинг эрим «юриб» кетди,
Юрак — бағрим куйиб кетди,
Ўзим билсам пўрга эди,
Бу овоза бўлиб кетди.

Кеч келали ишидан ҳам,
Айрилгандай ҳушидан ҳам,
«Юргани»ни билса бўлар,
Кўраётган тушидан ҳам.

Рўзгор, бола мента қолиб,
Ўтиради ўйга толиб,
Телефони жирингласа,
Гаплашади бекинволиб.

Ҳар нолон дер: «Фолбинга бор,
«Иссиқ-совуқ», сеҳр бергин».
Бирон доно айтмайдикки,
«Эрингни сев, меҳр бергин».

Болаларим билишмасин,
Кўз ёшимни кўришмасин,
Кўнгли қолиб, отасини
Ёмон кўриб қолишмасин.

Кайнар гийбат: «Ия-ий!
Эриз уйланвоганмиш-а?!»
Ёнин олиб уришаман:
«Ажаб қипти, сизга нима?!»

Опам бошлар мени кўрса:
— Хотинбозмиш эринг роса,
— Нима қилсин, «хотин»лариз,
Ўзлари эркабоз бўлса?!

Эплабдими юриб олсин,
Майли, ўйнаб-қулиб олсин,
Менинг мулки давлатимда
Давру даврон суриб олсин.

— Вой, сен — аҳмак, вой, сен — беор!
Сента керак бўлмаса ёр,
Сот, ким ошли савдосида,
Маҳалланда очиб бозор.

Почантни кўр, қандай эркак!
Чакки юрмас, тоза юрак!
— Менинг эрим зўр-да, сизни
Латта эриз кимга керак?!

— Вой, зўр бўлган эринг курсин!
Бино қўйган шеринг курсин!
Сента жоним куйлими-я,
Юрматидан ортиқ юрсин!

Қизғонмайлиам, ҳе, сани,
Ортиқ яна кериггани!
— Нимасини қизғонаман,
Тўғлимиди йийилгани?!

Гийбат қилиб очманг бозор,
Ҳамма ишнинг фурсати бор,
Ҳали битта экан, асли
Тўрттагача «рухсат»и бор.

Юраману, бермай сириш,
Аммо юрак тилим-тилим,
Кундошли хотинлар беқор,
Чекишмаган экан чилим.

Ким у жонон, билгим келар,
Афтини бир кўргим келар,
Тутиб олиб сочларини,
Битта-битта юлгим келар.

Боргим келмас меҳмонгайм,
Боққим келмас инсонгайм,
Жанжал қил, деб тиж-тижлайди,
Иш топилди шайтонгайм.

— Етиб бор, — дер ўша ерга
Иккалови ҳозир бирга.
— Бормайман-е, жинниманми,
Фуруримни уриб ерга?!

Эх, не фойда уришлардан,
Қозилиб юришлардан,
Ўқ отайин кундошимга,
Матрур қараб туришлардан.

Эр кўнгли — қуш, учиб кетар,
Совуқ юртдан кўчиб кетар,
Тутмоқ учун дон сепайин,
Милтиқ отсам, қочиб кетар.

Ранжимасин эрим, майли,
Зўр аёл эр талашмайди,
Боплаб кўяр эдим-ку-я,
Бу иш мента ярашмайди.

Нодонга донолик қилай,
Сахрога дарёлик қилай,
Номард қилса бетоналик,
Мен унга ошнолик қилай.

Жилсин десам тош жойидан,
Бўлай эримнинг пойидан,
Кўёш бўлиб меҳрим сочиб,
Айнитай ўша ойидан.

Пардозлаб юз, қошу кўзни,
Кувноқликка солиб ўзни,
Хар тонт қараб тош ойнага,
Такрорлайман битта сўзни:

Минг турлансин ўша Лайли,
Марҳабога ўхшолмайди!
Кийтган билан қовушимни,
Қилолмайди юришимни!

«ТАДБИРКОР» АЁЛ

Яхши одам, зўр одам,
Болаларимнинг дадаси,
Аммо мени куйдирган,
Шу одамнинг зардаси.

Арзимаган нарсата,
Феъли келиб қолади,
Кўлига нима кирса,
Ўша билан солади.

Авлоду-ажлодимни
Бирма-бир «ўқиб» чиқар,
Болаларниям хатто,
Эринмай сўкиб чиқар.

Мен — айбдор, мен — ёмон,
Ўзи — оппоқ, тулдаста,
Шунча йиллик хотинин
Лойга булар бир пасда.

Кўяр зумда дунёни,
Ғалва билан тўлдириб,
Адамимдан шу тобда,
Кўйтим келар ўлдириб.

Аммо «ғиринг» демасдан,
Пасайишин кутаман,
Олишсам ёмон бўлар,
Индамасам — ютаман.

Баъзан юрар ё кўзим,
Ё пешонам кўкариб,
Жаҳли кетгач «кечир» дер,
Кўларини кўтариб.

Опам жаврар эшитиб:

— Инсоф билан турттин, ур,
Битта гапта шунчалик,
Киладими, ер ютуур!

Эрта қирон келганими?!
Айрилади, кетади,
Онам айтар: — Ўлсам,
Битта билан ўтади!

Сабр қилмай ёмонта,
Яхшисига қочасан,
Кўйиб берса сенларга,
Эр бозори очасан.

Опам дер: — Гулдай аёл,
Сўлиб кетса майлими?
Шу золимнинг кўлида,
Ўлиб кетса майлими?

— Эр-хотин уруши —
Дока рўмол қуриши!
Ўзгармади ҳеч эрим,
Ўша-ўша туриши.

Бир кун яна уришди,
Ёкмай пиширган ошим,
Деган билан бир содди,
Ёрилай дели бошим.

Йипирма йил яшадим,
Чидаб калтакларига,
Жондан ўтди бу сафар,
Кўл силтадим барига.

Қарор қилдим: — Кетаман!
Хувилласин хонаси,
Эрим дели: — Кетмагин,
Пул бераман, онаси,

Пул дарагин эшитиб,
Қизим тушди ёдимга,
«Кўйлақ олиб беринг», деб,
Тегаятганли жонимга.

Шу тоб бирдан жим бўлдим,
Уришдим на талашдим,
Қизгинамга кўйлақ деб,
Эрим билан ярашдим.

Қизим кўйлагин кўриб,
Пўнғиллади ўғлим сал:
«Эсизгина, ментаям
Керак эди пойабзал».

Делим: «Сабр қил, болам,
Ҳали бой бўё қоламиз,
Яна бир калтак есам,
Сенга туфли оламиз».

Кутар эдим яна бир
Кўтаришин кўлини,
Ахир энди тошгандим,
Пул ишлашнинг йўлини.

Айтардим бир камимни,
Кўпайтириб тўрттага,
Бавзан гаплариниям,
Қайтарардим жўртага.

Уришдан ҳеч дарак йўқ,
Синмади кўл, белим ҳам,
Пули кетиб инсофга,
Келиб қопти эрим ҳам.

Туртмайди, сўкмайди,
Нима жинлар урибди?
Ўғлим ҳалиям эски
Туфлисида юрибди.

Гулда ё пулда бўлса,
Ажаб, эркак хаёли,
Ўлаётиб ҳам «болам» дер,
Ўзбекларнинг аёли.

ГУЛДАСТА

Кўксинг ёниб кетаркан,
Севиб қолсанг агарда,
Ўқитандим мен бунни,
Қайсидир бир асарда.

Эрим гул олиб келди,
Менга берди айвонда,
Бир-бирини имлашиб,
Келинларим ҳайронда,

Котиб қолдим ҳайратдан,
Не бўлди бу кишига?
Тушунолмай дол эдим,
Бу дунёнинг ишита.

Йиғлавордим бахтимдан,
Яратганга ташаккур,
Кариганда бўлсам
Қадр тошдим минг шукр.

Қандай нозик гулдаста!
Қойил қолдим дилига,
Дейсиз, гўё ёш йигит,
Олган севган қизига.

Шунча гўзал бўлурми,
Олдий атиргул, нартиз?
Ғунчалари йўракда,
Тиканларим нафис.

Гулдай гўзал бўп кетди,
Эримнинг қош-кўзим,
Ўн минг сўмдан камига,
Омагандир ўзим.

Шунча пулга бу гулни,
Севганидан олганда,
Баъзан пиёла отса,
Дебман: кўнгли қолган-да.

Севмайди, деб ўйлабман,
Қарамаса қайрилиб,
Сал бўлмаса бир йили,
Кетай дебман айрилиб.

Эрим ўзи жентельмен!
Эрим ўзи меҳрибон!
Уриб, чертиган бўлса,
Аслида ўзим ёмон.

Баъзан тортишиб қолсак,
Қолмас эдим бир гапдан,
Ювош турганим билан,
Менам чаканамасман.

Шу бўлундан севаман,
Бақирсам майлига,
Бир лаҳзада айландик,
Мажнун билан Лайлига.

Гулдастани гулдонга,
Солиб кўйдим авайлаб,
Шу бутун пардоз қилай,
Эрим учун атайлаб.

Тошойнага боқдим,
Уялиб кетдим фақат,
Мени хотин санатган,
Шу одамга минг раҳмат!

Қани бел, қани елка?
Қани қош, қани киприк?
Даянат сента, аёлни
Чалгиттан, тирикчилик!

Ўша куни ўзимга,
Кашф қилдим бир оят:
Бепардоз юриш — эрли
Аёл учун жиноят.

Созладим қош-кўзимни,
Ботиб ширин хаёлга,
Бир соатда айландим,
Кўҳлиқкина аёлга.

Тутаб қопти, ўлсин-а!
Атирларам бир қиммат,
Келинлардан сўрашга,
Бўларкансан хижолат.

Омон бўлсин шу эрим,
Олдираман зўридан,
«Макс фактор», «Мери Кей»,
«Орифлейм» ҳар туридан.

Қилиб кўйдим ораста,
Сочу турмақларимни,
Янгилашим керак бир,
Ички кўйлақларимни.

Тақилди неча йиллар,
Тақилмаган мунчоғим,
Гулдастанинг ҳидига,
Тўлиб кетди ётоғим.

Бу бир буюк кун эди,
Гадо етгандай тожга,

Мисоли Расул каби,
Юксалгандим меърожга.

Шу кун эрим ҳам тўё,
Нур сочарди оламга,
Исо масихдек бўлиб,
Кириб келди хонамга.

Мени кўриб кўзлари,
Катта-катта очилди,
Кўлидаги газета,
Ерта тушиб сочилди.

Назокат билан, секин
Дедим: «Раҳмат, гул учун».
Эримнинг кўзларидан,
Сочилар эди учкун.

«Қимматдур?» деб, ноз билан,
Юзларимни ёпволдим,
Эрим деди: «Билмадим,
Йўлақчадан топволдим».

НАВОИЙГА КЎШНИ БЎЛСАМ...

Яраттандан ҳали анча қарзим бор,
Қилолмаган қанча суннат, фарзим бор,
Кулмасангиз биттагина орзум бор:
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

Ўртадаги деворимиз туллардан,
Хизматкорлар бўлар балки хурлардан,
Мен ул зотни қизғонардим улардан
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

Ҳазал айтса навосига жўр бўлиб,
Тонглар ҳамду саносига жўр бўлиб,
Йиғтай-йиғтай қолмасайдим кўр бўлиб,
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

Уйларига Бобур мирзо келарди,
Ясавий, Машраб, Хувайдо келарди,
Оҳ, қандайин ажойиб иш бўларди,
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

Гуллар узиб чиқарардим боламдан,
Ошлар сузиб чиқарардим боламдан,
Майли эди кетсам ёруғ оламдан,
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

Сўрашса: «Сиз қаеридан жаннатнинг?»
Айтар эдим: «Кўшнисиман Ҳазратнинг»,
Керати йўқ бошқа мулки давлатнинг,
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

Раббим Оллоҳ, шафқатингга кўмилсам,
Васлинг оби-рахматига чўмилсам.
Майли ўлсам, тулпроғингга кўмилсам,
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

— Эй Марҳубо, бу не орзу, не ҳавас,
Кўшнеликка арзийсанми сендай кас?
— Яратганга осон ахир, ажабмас,
Навоийга кўшни бўлсам жаннатда.

ПОКЛИККА ҚАСИДА

«Рўмонсиз келибман, узр»
Муҳтарома Улуғ.

Ҳаё чимилдиғида юзларингиз хижобада,
Мискинлик ҳариринда кўзларингиз хижобада,
«Рўмонсиз келбман», дея бўлманг, бону, хижобат,
Англиша парасида сўзларингиз хижобада.

Йиғдингиз дарвешдай сабрдан чодир қуриб,
Орзулари сифмаган кўксингизга бир уриб,
Тириклик сўқмоғида тоҳ йиқилиб, тоҳ туриб,
Ҳалоллик-ла тошган нон, тузларингиз хижобада.

Йиғар не-не шойрлар замонага мослашиб,
Булбулликни тарқ этиб, тўтиликка хослашиб,
Доноликлар жим турмоқ, бу дам бироз четлашиб,
Сукут ичра ростлару розларингиз хижобада.

Ипик ёққанда оловлар ўртандингиз, «Ҳа, энди...»
Хижрон ёрса қировлар тўлғандингиз «Ҳа, энди...»
Сўлга тутиб дунёни кўтаролсак қанийди,
«Ҳа, энди»-да олову музларингиз хижобада.

Яшаганда тортиниб, меҳмонларга ўхшайсиз,
Ўани паст олган сари осмонларга ўхшайсиз,
Шайтон даҳл қилмаган кўрфонларга ўхшайсиз,
Нур ичинда баҳору кузларингиз ҳижобда.

Яхшиям бахтингизга кўшиқ бор-а, азизим,
Бўлиш мумкин лаҳзада бахтиёр-а, азизим,
«Сояй»ни қуйлагач, руҳда бошланса базм,
Юрак чертиган «дук-дук» созларингиз ҳижобда.

Сиздай яшаш керакдир асли ҳар муслим аёл,
Оғир, вазмин, мулойим, тўғри сўз, тўғри ҳаёл,
Бу янгилик хулқи жамил сиздан ўтган эҳтимол,
Поклик ичра ўғилу қизларингиз ҳижобда.

Этгида либос, кўнгли яланғоч Марҳабоман,
Бошида рўмол, фикри яланғош Марҳабоман,
Шайтонга тоҳ душман, тоҳ қариндош Марҳабоман,
Сизнинг ҳатто ердаги изларингиз ҳижобда.

Бир мато бўлсангизу, эҳром қилиб кийволсам,
Ё кўнгли пештоқига байроқ қилиб илволсам,
Атлас бўлмай шундайм бўлардингиз беқасам,
Камтарлик шойисинда бўзларингиз ҳижобда.

Нима у рўмол, ҳижоб, бу покликнинг олдида?
Нима у арши аъло, бу хокликнинг олдида?
Нима менинг иймоним, бу оқликнинг олдида?
Ҳижолат-ла қимтинган кезларингиз ҳижобда.

Ойнамсиз, сизга боқиб ўнглайман рўмолимни,
Тузатаман оғишган фикримни, ҳаёлимни,
Рўмолим мени эмас, сизни кўпроқ танийди,
Умримда бир кун сизга ўхшаёлсам қанийди.

КАББАТУЛЛОҲГА МАКТУБ

Сени йўқлаб боролмасман, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел,
Ўзимча йўл соғолмасман, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел,
Қилиб ният етолмасман, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел,
Ҳаёлинг тарқ етолмасман, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Гуноҳкор нотовондурман, ўқиб ҳеч бўлмадим мулло,
Тоғиё ақча, едим, кийдим ва лек йиғолмадим тилло,
Сени кўргим келиб найлай, ўзингга қилим илтижо,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Қилсам тавба, тазаарулар, деворингга уриб бошим,
Мени авф эт, дея йиғлаб, тутатсам кўздаги ёшим,
Чўқиб тиз, етти айлансам, етарли сабри-бардошим,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Келсанг арзир Навоийнинг изи тушган Самарқандга,
Деворларига Оллоҳнинг сўзи тушган Самарқандга,
Келин бўлиб Бибиҳоним ўзи тушган Самарқандга,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Бўлсанг меҳмон Бухоройим, ер узра қайси юртдан кам?
Мозорлари сочолар нур, лойи ҳам мўминё, малҳам,
Босиб Куръонни бағрита, яшаб келди бу юрт ҳар дам,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Ярашгайлур келиб Термизни, ё Кешни макон қилсанг,
Кўкон ё, Шаҳрисабз, Фарғона ё, Ўшни макон қилсанг,
Муносибдир Наманган, Хоразм, Тошкент атар билсанг,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Кўтармоқ кўл ҳаром мўминга, деб юртдан кетар Бобур,
Этиб тарқ Андижонини, булпараст Ҳиндга етар Бобур,
Тилининг ярми «Аллоҳ», ярми «Анжон», деб ўтар Бобур,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каббатуллоҳ кел.

Бу тупроқ ҳам азиз, Ҳақ деб юракни доғлаганлар кўп,
Висоли, ҳам ризоси деб, белини боғлаганлар кўп,
Етарманми, дебон сенга, менингдек йиғлаганлар кўп,
Ижозат берса гар Аллоҳ, ўзинг бир, Кавбатуллоҳ кел.

Келсанг бунга Сафо, Марва ва ҳам «зам-зам» ила келсанг,
Арофату Минодек йўлдошу маҳрам ила келсанг,
Чикарди эл кутарга, оху-афгонлар ила билсанг,
Ижозат берса гар Аллоҳ, ўзинг бир, Кавбатуллоҳ кел.

Сен Оллоҳнинг уйлирсан, кўриб бахтта тўлодирман,
Гуноҳимни айтиб йиғлаб, булутдек тўкилодурман,
Сени кучсам, уни кучган каби сархуш бўлодурман,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Кавбатуллоҳ кел.

Ато этса қанот Ҳақ, сен томонга куш бўлиб учсам,
Айтиб «Лаббайкани», йиғлаб, Харам айвониға тушсам,
Кўзимга суртсам, тўртта томонингни ўпиб кучсам,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Кавбатуллоҳ кел.

Элим ўзбек, элим — мўмин, Бухорий наслидир наслим,
Боҳовулдин, Хувайдо, Ясавий, Машраб эрур аслим,
Бу мактубни сенга йўллаб туролур Марҳабо муслим,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Кавбатуллоҳ кел.

ҲАЖНОМА

Эй, шаҳри Макка, тупроғи тилло,
Байтул муқаддас, хонайи Оллоҳ,
Бир бор кўрай деб, Ҳаққа тавалло
Қилдим етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Эй, уй муборак — дарлима дармон,
Эрдинг неча йил кўнглимга армон,
Покиза маскан, эй, кони иймон,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Тантри Таоло қодир ҳолик,
Қадимни кўрди эҳромга лойик,
Армонда қолди қанча халойик,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

«Лаббайка»ни ўргатдим тилимга,
Ёлғиз Худони солдим дилимга,
Розиман энди ҳатто ўлимга,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Қаба девори тегли юзимга,
Бахтдан бўлиб маст, келмам ўзимга,
Бўлди бу кунлар байрам кўзимга,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Оғзимга тегли сув — Оби «зам-зам».
Бўлди қувончдан юзу кўзим нам,
Олиб боройин дўстларимга ҳам,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Бордим Минога, чиқдим Арофат,
Тошларда ётдим, тан олди роҳат,
Асли бу заҳмат менга саодат,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Музлашфадан тош йиғиб олдим,
Шайтонга отиб, «бошини ёрдим»,
Урганди йўлдан, қасимни олдим,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Курбонлик қилдим Аллоҳга атаб,
Сочим қирқилди бир энлик, ажаб,
Бўлдим ҳожилик бурчини ўтаб,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Эй, пок Мадина — иккинчи ҳарам,
Расул туфайли бўлдинг муҳтарам,
Паравардигорим кўрсатди қарам,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Бердим саломлар расулуллоҳга,
Шукрлар этдим йиғлаб Оллоҳга,
Бермам бу кунни зарга, тиллога
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Мен бир Хулонинг хас бандасиман,
Хасу ғубордан паст бандасиман,
Бахтидан бу кун маст бандасиман,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Ҳожилик мента улў саодат,
Яхши ишларни қилайин одат,
Юмушим бўлсин, фақат ибодат,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Йиғлаб келгандим, кулиб қайтурман,
Иймон нурита тўлиб қайтурман,
Гўлак каби пок бўлиб қайтурман,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Қилдинг муслмон эй ҳақ, Худойим,
Икки ҳарамни насиб эт доим,
Ризқимни яна кўшгин илоҳим,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Дўстларимга ҳам тилай ҳар саҳар,
Насиб этсин шу муборак сафар,
Яхши дуолар бўлмас бесамар
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Ҳамду санолар Оллоҳга мулод,
Сенга йўлайин дуои салом,
Марҳабохондан бу ожиз калом,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

РАМАЗОН

Келди шаҳри Рамазон,
Тўй-йиғинлар тўхтади.
Мачитларда ҳар кеча,
Ўқилади «Таровеҳ».

Ҳеч бир уйда кундузи,
Ёзилмайди дастурхон.
Оқшом тушса бошланар,
Ифтор билан «Рамазон».

Ҳар ким топгани билан,
Қилар қисқа саҳарлик,
Ифторгача таомдан,
Сақланишар қасамдек,

Атир сепмас аёллар,
Искашмайди тул исин.
Соғинишар ва лекин,
Ўтишмайди бир-бирин.

Ташна бўлса иссиқдан,
Ювиб олар юзини,
Ош пишириб ўзлари,
Тотишмайди тузини.

Ҳамма ерда рўзанинг,
Файзу-ташти билинар.
Ифторга деб гузарда,
Нишолдалар қилинар.

Шомдан кейин болалар,
Айтишадилар «Рамазон».
Канд-курс ялаб уйига,
Қайтишадилар бир замон.

Ғийбатчилар ўттиз кун,
Ҳазир бўлар тилига,
Шафқат кирар ғойибдан,
Ёмонларнинг дилига.

Гуноҳ қилса кичиклар,
Койишди мулоим,
Рамазон бир ой эмас,
Бир йил бўлсин, иллойим.

Ихлос билан кекса-ёш,
Чекар очлик заҳматин,
Осмондаги сахий Зот,
Ёдирди раҳматин.

Корни очу, кўнгли тўқ,
Масрур юрар «рўзалар»,
Бурчакларда қимтиниб,
Чой ичишар «кўзалар».

Йўқлашди бир-бирин,
Уришиб-талашганлар,
«Жаннати» деб айтилар,
Рўза кўни ўлганлар,

Келса Қадр кечаси,
Бўлади ҳамма уйғоқ,
Олпоҳ айтган: бу кеча,
Минг ойдан ҳам яхшироқ.

Келинчақлар шивирлаб,
Фарзанд тилар ўзига,
Йитиларнинг ойсураб,
Қиз кўринар кўзига.

Болалардан қутилмас,
Осон «Лайлатул-Қадр».
Ўйинчоқнинг тури кўп,
Болалар ҳам кўп ахир,

Ҳар рўзада донолар,
Ўйлаб ғариб, тулларни,
«Фитрўза»лар беришиб,
Йўқлашди уларни.

Ҳеч бўлмаса ўттиз кун,
Турса шундай эътиқод,
Балки кирар умрга,
Ўттиз йиллик баракот.

Шундай гўзал яшамок,
Инсонларга қандай хос,
Афсус, афсус, афсуски,
Рамазон бир ой ҳолос.

МОМОХОН ПОШШОЙИМГА

Биттагина онаму,
Учтагина болам бор.
Бу олдий гап, қизиги —
Аравонда холам бор.

Оғзин ҳали очмасдан,
Гунг бўлади, боз-бозлар,
Қошларин туришига,
Ош пиширар таннозлар.

Ўзи қулмай гап айтар,
Ичагингиз узилар,
Жойнамозда ўтириб,
Таҳорат ҳам бузилар,

Ҳали ўлмасдан туриб,
Марсиямни ёз, дейди.
Ўзим эшитолмасам,
Не қизиги бор, дейди?

Ўтирганда пошшодай,
Кибор туришлари бор,
Турганида «вой-вой»лаб,
Ўрдак юришлари бор.

Ошик бўлар хуснига,
Кими кўрса бу Ойни,
Бир одамга Хақ наҳот,
Берди шунча чиройни?!

Камтар, олдий яшайди,
Нима у давлат, бойлик?
Саксон ёшли бу ойим,
Ўнта қиздан чиройли.

Тоҳо қилиб хиргойи,
Гоҳида «ирдаб» берар,
Эсизгина ёшлик, деб,
Сўнгилда йиғлаб берар.

Чолгина ҳам ўзидай,
Кўринади ёшгина,
Соқоллари ярашган,
Нурли, қаламқошгина.

Яшаб, яшаб дунёда,
Орттирибди икки қиз,
Сухбатимиз астиям,
Ширин бўлмас уларсиз.

Ўртоқлари бир дунё,
Уйлари тўла китоб,
Ўйлайсизки кўнглида,
Нур сочар бир офтоб.

Ўқитанда байт, ғазал,
Хувайдо, Налимийдан,
Сел бўласиз, лол қилар,
Сўйласа қадимийдан.

«Машраб» деб тебранганда,
Хар сўзи асал бўлди,
Саксон ёшга етганда,
Кўз тетиб, касал бўлди.

Илоё, тез тузалиб,
Жисмидан дард арисин,
Чоли билан юз ёшга
Кириб, кўша қарисин.

Марҳубо дер: файзлари,
Юқиб қолсин бизгаям,
Сухбатига бўлмоқлик,
Насиб этсин сизгаям.

Биттагина онаму,
Учтагина болам бор,
Бу олдий гап, қизиги —
Аравонда холам бор.

Ҳали келса кўрасиз,
Кула-кула ўласиз.

БОЛАМГА

Ой туғса ҳам — боламга,
Кун туғса ҳам — боламга,
Болам бахтли бўлмаса,
Нега келдим оламга?!

Боламга.

Неки яхши нарса бор,
«Онамга» десам бир бор,
«Боламга» дедим минг бор,
Боламга.

Илинаман жонимни,
Чайнаб турган нонимни,
Фарахли ҳар онимни,
Боламга.

Жигаримдан юлиб ҳам,
Душманимга кулиб ҳам,
Боламга дедим ҳар дам,
Боламга.

Оллоҳ! Бу қандай миллат,
«Боламга» дейди фақат,
Бу қандайин муҳаббат
Боламга?

Оллоҳ қилсин иноят,
Бўлсин йўли ҳилоят,
Ҳавзи Кавсару жаннат,
Боламга.

Саҳарим ҳам, шомим ҳам,
Остонам ҳам, тоғим ҳам,
Марҳабохон номим ҳам,
Боламга.

ТИЛАК

Ҳар бандани дунёда,
Умри бўлсин зиёда,
Юрсангиз ҳам пиёда,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

Дилни босса ташвиш, ўй,
Татирмили байрам, тўй?
Бўлмасангиз ҳам хушрўй,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

Уйда бўлса ул-бул кам,
Ташвиш бўлганимиз шундан?
Энг муҳими, жон укам,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

Ақча бу — рангли қоғоз,
Шукр қилинг кўпми, оз,
Яшайин десангиз соз,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

Оғриб турса жонингиз,
Қоронғу осмонингиз,
Кетса кетсин молингиз,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

Оғзингдан тушса ҳам тиш,
Бошингга тушмасин иш,
Айтдим-қўйдим мен дарвеш,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

Эй, Марҳабо, чин омад —
Кўнгиладати ҳаловат,
Келгандаям қиёмат,
Сихат бўлинг, тинч бўлинг.

МАКТАБ

Синфхона асли бу дунё,
Еру осмон ҳудудин аро,
Ҳаёт деган мактабда тўё,
Ўқияпман ҳалиям.

Ҳар бир тонгим — илк кўнғирок,
Ҳар бир шомим — сўнгги кўнғирок,
Тоҳ аълочи, тоҳ бўлиб қолоқ,
Ўқияпман ҳалиям.

Синфдошларим ҳам турфа хил,
Бириси сахий, бириси бахил,
Тоҳ тортишиб, тоҳ бўлиб ахил,
Ўқияшман ҳалиям.

Ҳар одам бир дарслик, бир китоб,
Теграси тўла илм, беҳисоб,
Ҳар қайсисин варақлаб шитоб,
Ўқияшман ҳалиям.

Шу мактабда улғайдим, ўсдим,
Эллитинчи синфга кўчдим,
Ҳато қилсам қойима, дўстим,
Ўқияшман ҳалиям.

Кўрмаганим кўриб олай деб,
Билмаганим билиб олай деб,
«Икки»мни «беш» қилиб олай деб,
Ўқияшман ҳалиям.

Тоҳ баланд, тоҳ пастда ўтирдим,
Тоҳ соғ, тоҳ хаста ўтирдим,
Дек бир умр дарсда ўтирдим,
Ўқияшман ҳалиям.

Кундалигинг — номаи аъмол,
Эй, Марҳабо, яшагин ҳалол,
Бир кун бор деб, сўроғу савол,
Ўқияшман ҳалиям.

ОДАМ

Ол ибрат, бу ажиб дунё, уям одам, бўям одам,
Бири боғу, бири саҳро, уям одам, бўям одам.

Бирита жон нисор этсам, бирин ташлаб қочиб кетсам,
Бири — нодон бири — доно, уям одам, бўям одам.

Бирининг меҳрита зорман ва гардита харидорман,
Биридан сакласин Оллоҳ, уям одам, бўям одам.

Бирин тинглаб қилсам роҳат, бири сўзласа йўқ тоқат,
Бири — оми, бири — мулло, уям одам, бўям одам,

Бири ошкор қопар итдай ва ё пинҳон чақар битдай,
Бирин феъли ҳалим, зебо, уям одам, бўям одам,

Алшима ўхшаса барқи, эмас тенг иккисин нархи,
Бири мису, бири-тилло, уям одам, бўям одам,

Оёғу кўл, вужудлар бир, нетай, Аллоҳ, кўнгли ҳар хил,
Бири — кўлмак, бири — дарё, уям одам, бўям одам,

Бири мискин, бири бойдур, вужудли асли бир лойдур,
Бирин паст кўрмагин асло, уям одам, бўям одам.

Бири кофир, тубан, расво, бирисида иймон, тақво,
Фарангми, Ҳиндими, тарсо, уям одам, бўям одам.

Бу дунё одамистондир, бўлгил одамшунос, ожил.
Алшима танласанг ошно, уям одам, бўям одам.

Жаҳонга, Марҳабохон, боқ, олов сувга бўлмас ўртоқ,
Иш шундан жанжагу ғавғо, уям одам, бўям одам.

МАСТ БЎЛАМИЗ

Биз маст бўлсак, муҳаббатдан маст бўламмиз,
Ўғалликдан, нафосатдан маст бўламмиз,

Дйрашимиз учун шароб керак эмас,
Саҳарлари ибодатдан маст бўламмиз.

Юракка ишқ найзасини санчди ёр,
Оғриси шу жароҳатдан маст бўламиз,

Қай маҳалки, ёрнинг номи айтилганда,
Қалбга кирган ҳароратдан маст бўламиз.

Сухбатлашиб ўтирганда доно билан,
Тўймай ширин мулоқотдан маст бўламиз,

Излаганим донишларнинг даврасидур,
Қуръон, ҳадис, ривоятдан маст бўламиз.

Оллоҳ, Оллоҳ, бу не ширин оҳанг эрур?!
Кўз ёш тўкиб, қироятдан маст бўламиз,

Ҳофиз кўшиқ қуйлаганда тебранишиб,
Авж пардаю, даромаддан маст бўламиз.

Ҳар нарсадан гўдагимнинг иси ширин,
Ҳиллаб ушбу саодатдан маст бўламиз,

Шаробсиз ҳам бандани маст қилар иш кўп,
Ҳисоб вақти хижолатдан маст бўламиз.

Сиз май ичиб, бола ичиб юраверинг,
Биз кўрқиб, қиёматдан маст бўламиз,

Ёр жамолин кўролмасак, беҳишт нечун?
Ўйласак, шу сиёсатдан маст бўламиз?

Эй, Марҳабо, иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Ўша буюк зиёфатдан маст бўламиз.

..... Ўзбекларда шунақа

ЯШАШНИ ЎРГАТАМАН

Мен ўзимни севаман,
Менга ўзим ёқади,
Энди менга барибир,
Ким қанақа боқади.

Нужсонлими, қорами,
Юзим — менинг юзимдир,
Дунёда энг чиройли,
Битта одам — ўзимдир.

Қўлим қалта ва лекин,
Йўқдан кўра шукур, бор,
Бу дунёда ҳеч одам,
Эмас мендай бахтиёр.

Гап эшитсам, жилмайиб,
Қалтак есам, куламан,
Чап юзимга уришса,
Ўнгин тутиб тураман.

Юрак деган қабрга,
Армонимни қўмганман,
Ва устида боламга,
Ўйин тушиб берганман.

Ҳар тонг қараб ойнага
Дейман: менинг ғамим йўқ,
Мен соғломман, мен зўрман,
Ташвишим йўқ, камим йўқ.

Нохушликлар бор, лекин,
Мен улардан қарз эмас,
Ҳеч қайсиси жонимни,
Тикишимга аризмас.

Хомуш бўлар баъзилар,
Сочин оқин санашиб,
Менга эса турибди,
Ажинлар ҳам ярашиб.

Тикан-тикан, тул-тулдир,
Ҳар нарса ўз ҳолича,
Азизларим, дунёни,
Қабул қилинг борича.

Осон яшай десангиз,
Маслаҳатим олволинг,
Ўзингизни озгина,
«Жинни»ликка солволинг.

Не кун кўрсам барига,
Оллоҳ рози — мен рози,
Яратганинг қўлида,
Энг тўғри тош-тарози.

Яшашга эмас бизни,
Имтиҳонга ташлабдур,
Пирим ўша ковушсиз,
Девонаи Машрабдур.

Кўйлагимни сўрашса,
Тўнимни ҳам бераман,
Тиканларнинг ичидан,
Доғаларни тераман.

Қизим қайтиб келтимми?
Ажаб бўпти, хўп бўпти!
Бутун яна бойибман,
Битта ташвиш кўп бўпти.

Нархи қанча? Опкелинг,
Фамингизни оламан,
Бор пулимга ташвишу,
Камингизни оламан.

«Ғам» сўзидан ўзимга,
«Шодлик» сўзин ясайман,
Мен шунақа, ўзимни,
Хурсанд қилиб яшайман.

Телба экан-ку, дед,
Кулмангиз Марҳабга,
Барча ҳисоб-китобни,
Кўйиб қўйлим Оллоҳга.

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Азизларим, меҳрибонларим,
Дўсту ёрон, қадрдонларим,
Жонингизга қуяр жонларим,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тириклик деб чопган оталар,
Рўзорим деб шошган оналар,
Жонингизга қўймас боғалар,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қиз арабдаб келса юрак қон,
Келин чимирилса дил вайрон,
Ағдар-тўнтар бўлса ҳам жаҳон,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Таранг-таранг тортилар асаб,
Емираккан инсонни ғазаб,
Қон томирлар бунча мўрт, ё Раб?
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўнг томонга жойлашса юрак,
Бўлмасмиди шунчалар хуррак,
Чикса чиқар гўручдан курмак,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тортишувда бир сўздан қолиб,
Нохуш гапни ҳазилга олиб,
Дилозорни Худоба солиб,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Эй дўст, ҳар не касби корингиз,
Ҳамроҳ сизга ташвиш, зорингиз,
Ёнингизда юрсин дорингиз,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўлим — ёмон, даҳшатли тақдир,
Аммо дўзах олдиди бахтдир,
Асли ўша оловдан ҳозир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Энг аввало ношукур бўлманг,
Жоҳил билан ҳамфикр бўлманг,
Бейбодат, безикр бўлманг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ҳаққингизни бермаса бахил,
Кўрсатсалар зулму қаҳр,
Ҳисоб кўни келар-ку ахир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қандай шараф Оллоҳга қайтиш?
Шартмас ахир ўлимдан кўрқиш,
Охиратда қолган ҳамма иш,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сизга санчиб сўзингит найзасин,
Ййраса шу нодон яйрасин,

Сўкут билан енгитнг ҳаммасин,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кечирганни кечирур Оллоҳ,
Паноҳ берган топади паноҳ,
Ёмонликдан не чиқади, оҳ!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Дўст томонга талпининг ҳар дам,
Кўринг қувонч, ташвишни баҳам,
Одам тафтин олади одам,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Курьон, ҳалис, шеърийт, санъат,
Доно билан бир ширин суҳбат,
Шумасми сиз қилдирган жаннат?
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ғам келганда кўюниб кетманг,
Бахт келганда суюниб кетманг,
Сокин яшанг, осуда яшанг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кўзлар ҳали кўриб турганда,
Юрак ҳали уриб турганда,
Оёгингиз юриб турганда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Елкангизда икки фаришта,
Уларнинг кўллари ёзишда,
Марҳабохон, ҳар сўз, ҳар ишда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шукр дўстлар, борингиз учун,
Фарзанд, жигар, ёрингиз учун,
Мендай харидорингиз учун,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

КЕЛИН ТАНЛАГАНДА АДАШМАНГ

Ёлғизгина ўғли бор аёл,
Ширин-ширин сурасиз хаёл,
Бир гап айтмай келмасин малол,
Келин танлаганда адашманг.

Суриштирасиз ким онаси,
Озодами, ҳовли-хонаси,
Ичидадур одам оласи,
Келин танлаганда адашманг.

Кимларгадир бой келин керак,
Кимга юзи ой келин керак,
Сиз қилдиринг бир тоза юрак,
Келин танлаганда адашманг.

Деманг, гўзал кўғирчоқ бўлсин,
Ўғилчамга овунчоқ бўлсин,
Хаёт эмас кўғирчоқ, ўйин,
Келин танлаганда адашманг.

Ўғилнингизга нажот бўлсин у,
Кипан эмас, қанот бўлсин у,
Доно бўлсин сиз тошпан сулув,
Келин танлаганда адашманг.

Агар бўлса молпараст, нодон,
Рашкчи, бетга чопар, балғумон,
Болангизга юттиради қон,
Келин танлаганда адашманг.

Ўғилнингизни бор қилган ҳам шу,
Ва ё хору зор қилган ҳам шу,
Нозик, аммо буюк кучдир у,
Келин танлаганда адашманг.

Дарахтни силқитсанг ёғар қиз,
Қайси тилло, қайси бири мис,
Ўғли кўшлар адашсам, сиз,
Келин танлаганда адашманг.

Бўлсин кўли ширин, меҳрибон,
Шу кўллардан ейсиз ошу нон,
Балки шу кўлда берарсиз жон,
Келин танлаганда адашманг.

Яқин қилар йироғингизни,
Кутар дўсту ўртоғингизни,
Шу қиз ёқар чироғингизни,
Келин танлаганда адашманг.

Қай қизники одоби бордир,
Қалбида нур, офтоби бордир,
Керак бўлса тинчлик, бахт, ҳузур,
Келин танлаганда адашманг.

Яхши бўлса, пошшо бўласиз,
Ёмон бўлса, расво бўласиз,
Қон босим бўласиз, ўласиз,
Келин танлаганда адашманг.

Хайрон бўлманг, дўстларим асло,
Агар ўлар бўлса Марҳабо,
Қабридан ҳам чиқар шу нило:
Келин танлаганда адашманг.

БИЗ КҮЙДИРИБ КЕТГАН ЙИГИТЛАР

Бўларкансан ёшликда нодон,
Кибири баланд, ғурури осмон.
Изимизда йиғладингиз қон,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Совғантизни отворгандиг-а,
Хатингизни йиртворгандиг-а,
Писанд қилмай кетворгандиг-а,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Танлаб-танлаб учраб тозига,
Чидапмиз фирок, нозига.
Арз қиламиз қайси қозига,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Онангиз-ей патирулар ёпиб,
Уйимизни қидириб топиб,
Хар уч кунда келарди чопиб,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Олдингиздан ўтамыз кесиб,
Куйлагимиз ямоғин тўсиб,
Жилмаямиз турсак ҳам ўксиб,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Ёнингизда биздан гўзал ёр,
Яшاپсиз тўкис, бахтиёр,
Мақтангудек бизда нима бор?
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Ношул эрнинг қўлида хормиз,
Суянчига, меҳрига зормиз,
Ўлмадиг-а, ҳалиям бормиз,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Елкамизда рўзгор халтаси,
Эгнимизда Хитой латтаси,
Увол бўллик, гапнинг калтаси,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Турмуш оғир, асаблар тарант,
Эглай олмай бошимиз гарант,
Ким эдинг ким бўллик, қарант,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Кўча-кўйда кўрарсиз балки,
Хайрон бўлиб турарсиз балки,
«Ўла!» дея куларсиз балки,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Хижолатдан юрамиз чўкиб,
«Аттанг» дея кўз ёшлар тўкиб,
Яшاپмиз тақдирни сўкиб,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Тупуриб қалбингиз кўрига,
Ўзимизни олдиқ тўрига,
Тегмадигам сиздан зўрига,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Марҳаболар дуода доим:
Зулм кўрманг энди илойим,
Бераверсин омад Худойим,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

«УШАБ ТУРИНГ»

Йўқ ўзбекдек болажон халқ,
Қайнонаси қаҳрамон халқ,
Набиралар малах-малах,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ховлим бўлди бола боғча,
Хар йил битта чақалоқча,
Кир чиқади бўҳча-бўҳча,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Уйим — марказ, уйим — пакка,
Бир он турмам ҳоли, якка,
Уйғонишар турмай ҳакка,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Намоз чала, саловат йўқ,
Уйқумдаям ҳаловат йўқ,
Шундан юзда тароват йўқ,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Тилим эртагу аллада,
Ҳеч не қолмади каллада,
Ҳамма билар маҳаллада,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Уйим тўла китоб мани,
Аммо ўқишга вақт қани?
Овутиб бир тиррачани,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Етказганига минг шукр,
Нетай, толса бошим кургур?
Нолиётган бўлсам узр,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Қўлимда бўлса биттаси,
Этагим тортар тўрттаси,
Атрофда яна ўнтаси,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ҳой, уқангни туртма, болам,
Ҳой, пардани тортма, болам,
Китобимни йиртма, болам,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ҳой-ҳой, гулни узиб кўйма,
Соатимни бузиб кўйма,
Иштонингга сузиб кўйма,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ойлиги йўқ қози — ўзим,
Занжири йўқ този — ўзим,
Ўлимимга рози ўзим,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Дарё эдим оқмай кўйшим,
Ойнага ҳам боқмай кўйдим,
Эримгаям ёқмай кўйдим,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ёшлигингга отасин боқ,
Қариганда боласин боқ,
Аёл борми биздай қолоқ?
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Қўлайишар борган сари,
Ичкармиш қилсам нари,
Ўлиб кетсам қолар бари,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Асабларим элак-элак,
Ғалвалардан ўйнар юрак,
Жоним ўзимгаям керак,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Татўс турди, юриб кетсин,
Йиқилибди, туриб кетсин,
Савобиям қуриб кетсин!
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ўртоқларим, айланайлар,
Эшитмасам бақирманглар,
«Марҳабо» деб чақирманглар,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

Ёзим ўтиб, қишга кирдим,
Ғалва, жанжал, мушга кирдим,
Чўриликка ишга кирдим,
Менинг отим — «Ушаб туринг».

ДУНЁНИНГ БИР КАВАТИ

Дунёнинг бир қавати —
Адашганлар қавати,
Тақдиридан ҳаққини
Талашганлар қавати.

Яшайдилар бахтиёр,
Нақ саройдек қапада,
Унчалар баландмас-у,
Биздан анча тепада.

ТАҚДИРГАМ ҚОЙИЛМАН!

Танлаб-танлаб ўлчаб бўй,
Орзилаб қилинар тўй,
Қўшилар бўрига қўй,
Тақдиргам қойилман!

Оловни сувга қўшар,
Соддани қувга қўшар,
Атай қилганга ўшар,
Тақдиргам қойилман!

Бир бадфелъга бир зебо,
Бир кўлмакка бир дарё,
Бир нодонга бир доно,
Тақдиргам қойилман!

Гул билан гул бўлса жам,
Бўлмас эли кўзлар нам,
«Мен бахтлиман!» деган кам,
Тақдиргам қойилман!

Сахро билан боғ яшар,
Жарлик билан тоғ яшар,
Жинни билан соғ яшар,
Тақдиргам қойилман!

Чакконга бир илмилек,
Жилдийга бир серқилек,
Яшаш керак, сип-силлик,
Тақдиргам қойилман!

Эр яйрайли куй тинглаб,
Хотин ўтирар эснаб,
Қовушмайди гапга-гап,
Тақдиргам қойилман!

Бўлмагурса бўлпулик,
«Тавба! Тавба!» детулик,
Олпоҳ, бу не кўргулик?!
Тақдиргам қойилман!

Тиканга шунча меҳр,
Ғунчага шунча қаҳр,
Инсофданми шу ахир?!
Тақдиргам қойилман!

«Вақти бўб қолди», деймиз,
«Тақдир кеб қолди», деймиз,
Бахтсиз ўғил, бахтсиз қиз,
Тақдиргам қойилман!

Қилиб кўйиб ўзимиз,
Жовдирайди кўзимиз,
Кейин айтар сўзимиз:
«Тақдиргам қойилман!»

Умр тўла доду вой,
Нетамиз, Марҳабоой?
Ярим дунё пойма-пой,
Тақдиргам қойилман!

ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Бир чолнинг «Запарож»и
«Нексия»га урилди,
«Нексия»нинг чироғи,
Синди, тушли, сурилди.

Бўғилиб чолга дели,
«Нексия»нинг эгаси:
— Биласизми, қанчага,
Тушар бунинг чегаси?

Битта чироғин ўзи,
Минг долларсиз битмайди,
Ҳатто машинангизни,
Сотсангиз ҳам етмайди.

Чол дейди: — Болам, тўхта,
Худодан-ку бўлса не,
Кўрсатаман бир нарса,
Машинамга ўтир, ке.

Кўйнидан бир хумчани,
Олиб шивирлади чол:
— Бизга кўк чой дамлаб кел,
Ҳой, жин қани, чиқа қол.

Хум ичидан жин чиқиб,
Чойни қилди муҳайё,
Йигит ёқасин ушлаб,
Дели: — Астафируллоҳ!

У бундай мўъжизани
Кўрмаганли ҳеч қачон,
Дели: — Шу хумчангизни,
Менга сотинг, отажон.

Чол сўзлади: — Бу хумча
Менга қолган отамдан,
Бу эсдалик нарсани
Сенга қандай сотаман?

Йигит чолни авради:
«Нексия»ни бераман,
Ва устига ўн миллион,
Сўм ҳам олиб келаман.

Бир лаҳзада хумчаннинг,
Бозори кетди қизиб,
Йигит «Нексия»сини
Чолга берди ўтказиб.

Хумни уйга опкелиб,
Ишқалади, чиқди Жин,
Ҳамма ҳайрон, Жин дели:
— Нима қилай, Хўжайин?

— Хотинимга, қизимга,
Машина, тақинчоқлар,
Ўғилларимга завод,
Фабрика, ҳовли-боғлар.

Менга эса бир юртнинг,
Пошполитин бера қол,
Менга не сотанини,
Кўриб кўйсин, лақма чол.

«Нексия» ҳам матоҳми?!
Мен ҳайдайман самолёт.
Йўқ-йўқ, кўлимда бўлсин,
Бутун бир аэрофлот.

Кўрқиб кетиб йигитга,
— Шошманг-шошманг, — дели Жин,
Кимга нима, делингиз,
Тушунмадим, хўжайин?

Сиз айтган нарсаларни,
Қила олмайман чиндан,
Чунки мен бори йўзи,
Чой дамлайдиган Жинман.

Бузилиб атроф-муҳит,
Не кунларга солмади?!
Ҳатто эртақлардаям,
Ҳақиқий Жин қолмади.

Алқисса, йигит хумни,
Жинга отиб урибди,
Чол «Нексия»да зув-зув,
Кира қилиб юрибди.

ТОВУС

Менинг етолмаган икки орум бор.
Бири — билагузук таққим келади,
Иккинчиси эса унданам қизик —
Уйимизда товус боққим келади.

Билмасман товуснинг бозори қайда,
Роҳати қайда-ю, озори қайда,
Агар ўлиб қолса, мозори қайда?
Уйимизда товус боққим келади.

Дерлар: «Девор ошар ўша парранда,
Бўласан кўшнilar ичра шарманда».
Ахир нима қилай, манам бир банда,
Уйимизда товус боққим келади.

Буям бир дунёга берилиш демант,
Молу давлатига керилиш демант,

Кўнгли кўчасида ўзим хангу мант,
Уйимизда товус боққим келади.

Не-не оруларга етганман, шукур,
Неларни истамас бу кўнгли кўрғур,
Оруям шунақа бўлалими сур,
Уйимизда товус боққим келади.

Бу ғаму ҳасратга тўла оламда,
Ҳар хил ҳолат бўлар экан оламда,
Ҳамма ишни кўйиб, худди шу дамда,
Уйимизда товус боққим келади.

Пағларин ёйса у, ҳайрондир башар,
Бу қандай мўъжиза! Бу қандай асар!
Офарин, буюк Зот, Оллоҳу Акбар!
Уйимизда товус боққим келади.

Сотиб олишга-ку етмайди ақчам,
Мени тинч кўймаса не қилай бу ғам?!
Кўйлақ рўмолимни сотиб бўлса ҳам,
Уйимизда товус боққим келади.

— Кап-катта одамга товус нимаси?!
Йўқми, Марҳабонинг бошқа ғалваси?
— Жонимга теккандур балки ҳаммаси,
Уйимизда товус боққим келади.

ЧИМИЛДИҚДАГИ НАСИҲАТ

Келинпоишшо, мен ўзим инжиққина боламан,
Иедитбор бўлсангиз, хафа бўлиб қоламан,
Аёл, ғайрат, зийраклик насиб қилган йигитман,
Буртининг ичатида хасиш куйган йигитман,

Бир бўлсангиз менга чин, айтайин бир дардимни,
Қирмасангиз гапимга, тополмайсиз гаддимни,

Яхши, ёмон феълимга кўнмасангиз бўлмайди,
«Гаҳ» деганда кўлимга, кўнмасангиз бўлмайди.

Ҳар кун қошта ўсмаю, кўзга сурма сурасиз,
Парилардай қошимда тавзим билан турасиз,
Ишда менга не амал, пешонамдан кўраман,
Аммо уйда биргина «пошшо»ликка кўнаман,

Ҳамма пайт, ҳамма вақт «лаббай» дейсиз чақирсам,
«Кулук» дейсиз бавъида феълим келиб бақирсам,
Атрофимда айланиб, мен инжиқни овутинг,
Не қилсангиз қилингу, аччиғимни совутинг.

Чиройингиз, нозингиз бўлсин фақат ўзимга,
Бетабассум, бепардоз кўринмангиз кўзимга,
Канизатим бўлсангиз, ширин сўзу мулойим,
Шунда сизни бошимда кўтараман, тўлойим.

ИЗХОР

Билмадим бу ерда борлигингизни,
Билсайдим, чиройли бўлиб келардим,
Қошимга билинмас ўсмалар тортиб,
Кўзимга сурмалар кўйиб келардим.
Нимага тушларим олоҳ этмади?

Нега қовоқларим учиб нетмади?
Бу рангсиз кўйлақда келмасдим асло,
Тавбу, ҳафсаламга бўлиб бир баҳо,
Билсайдим юратим кўйлаб келарди,
Рухимда жийдалар туллаб келарди,
Нимага кўкқисдан шошдим бу ёққа,
Паришон киёфа, хоргин сиёқда?
Энди бундан тезроқ кетақолайин,
Сиз кўрмай уйимга етақолайин.

Сизнинг қаршингизда турмайин сўлиб,
Ёнингизга келай чуқмома бўлиб,
Сиз бор жойда ойдек тўлингим келар,
Кўзингизга ўтлай кўрингим келар.

ЖАВОБ

«Олтиариқда нега бойлар кўп?»
Ҳожи аканинг саволи.

Ҳотиримни қилиб жам,
Астойдил ўйлаб кўрсам,
Ишбилармон кўп одам,
Олтиариқдан чиқади.

Ҳиндистондан келган қуш,
Узум чўқиб кўнгли хуш,
Қурт-қумурсқага улуш,
Олтиариқдан чиқади.

Чет юртларга мингдан-минг,
Мева элтган қарвоннинг,
Тент ярми, ишонинг,
Олтиариқдан чиқади.

Шоирларнинг зўри ҳам,
Олимларнинг зўри ҳам,
Дўшпилек жой бўлсам,
Олтиариқдан чиқади.

Ҳофизларнинг бўлбули,
Бобон йигитлар тули,
Деҳқонларнинг серпули,
Олтиариқдан чиқади.

Пирдек ҳожи оталар,
Тулдек ҳожи оналар,
Иқтидорли болалар,
Олтиариқдан чиқади.

Кулласа Олпоҳ эгам,
Меҳнат қилган бўлмас кам,
Биринчи миллиардер ҳам,
Олтиариқдан чиқади.

Ойта қурилиб шаҳар,
Бозор очилса агар,
Энг биринчи савдогар,
Олтиариқдан чиқади.

Ер остида, бир қатда,
Нефть кони бормиш қатта,
Чикиб қолса албатта.
Олтиариқдан чиқади.

Бирмас олти ариқдан,
Кириб турса барака,
Олтиариқлик бой бўлмай,
Мен бўлайми, хожи ака?!

АНЖОНЛИККА ЎХШАЙДИ

Учради бир мард одам,
Чопони бетард одам,
Бу оқ кўнгил сарт одам,
Анжонликка ўхшайди.

Жонни тикар дўст учун,
Оқибати, меҳри чин,
Гаплари бутун-бутун,
Анжонликка ўхшайди.

Давлат топса бари ҳам,
Эл билан кўрар баҳам,
Кўнгил бўш, белги маҳкам,
Анжонликка ўхшайди.

Бир йилгидея ўн ҳунар,
Қадамидан тул унар,
Қурашсанг белинг синар,
Анжонликка ўхшайди.

Мардлигидан иборат ол,
Бироз چاپани, кўпол,
Ҳазил қилса қочиб қол,
Анжонликка ўхшайди.

Ғўзалари ҳар баҳор,
Елим кўрпада ўсар,
Дехқонми бу ё зарар,
Анжонликка ўхшайди.

Улуғлари йилгидея,
Шижоати бургутдай,
Ўйлаб гапир, ёпирай,
Анжонликка ўхшайди.

Ҳофизлари хушнафас,
Булбуллар қилар ҳавас,
Ютқазасан қилма баҳс,
Анжонликка ўхшайди.

Тоғмаҳалдан сўзласам,
Кўзларига келар нам,
Шоир Марҳабохон ҳам,
Анжонликка ўхшайди.

ИККИНЧИ КИТОБ

Алҳол чиқди китобим,
Турган эди босилмай,
Пул чиқмасди «ҳомий» — эр,
Бўйнига минг осилмай.

Вой, чиқди-я шу китоби!
Кувончдан кўз нам бўлди.
Бутун юртга тарқатган,
Шеърлар охир жам бўлди.

Ҳамма жойда шов-шув гап:
Кўрдингизми, чиқибди!
Йиғлавордим, ҳаттоки
Тоҳир Малик ўқибди.

Юз минг нусха, ҳазилми?!
Дўконлар кетди тўлиб,
Аммо уч кун деганда,
Адоқ бўлди сотилиб.

Уйга бўлар кўнгирок:
«Бизга етмай қолди-ку,
Муҳлисларнинг устидан
Куляписизми, нима бу?»

Мендан қанча танишлар
Хафа бўлиб кетмади,
Дедим: «Мени тушунинг,
Ўзимгайм етмади».

Шу китобим бўб кетди,
Таржима кўп тилларга,
Демак, менинг номим ҳам,
Кирди қанча дилларга.

Сотилётганмиш китоб,
Ҳиндистоннинг йўлида,
Кимдир кўриб қолганмиш,
Рим Папасин кўлида.

Рухланиб кетдим жуда,
Ўзимгайм қойилман,
Ҳамма ўқияптими,
Демак, мен зўр шоирман!

Тавба, астафируллоҳ,
Ўзинг кечир, худойим!
Омални сен улашиб,
Банданг мактанар доим.

Китоб чиқди дунёга,
Аммо кўнглим тўлмади,
Негаки, буни буюк
Зулфия опа кўрмади.

Татимали бу кувонч
Озод Шарофиддинсиз,
Билмадим, ё «савалаб»,
Ё мактар эди, эсиз.

Кўрмади кўп устозлар,
Бироз кўнглинг сўларкан,
Ҳеч бўлмаса Саид Аҳмад
Ўлмай турса бўларкан.

Энди ўтқир Ҳошимга,
Худодан умр тилай,
Ва Иброҳим Ғофурнинг,
Борига шукр қилай.

Усмон Азимга дастхат,
Ёзиб берсам қанийди.
Омон Матжон бир нигоҳ
Ташпасаям майлийди.

Рим Папаси зўр, аммо,
Фикри қандай «Гулматнинг»?
Назарига тушсайди
«Ҳумий» деган ҳазратнинг.

Орзуларга етишиб,
Келганда бир омалим,
Минг афсуски, жиринглаб,
Уйғотворди соатим.

Эсиз китоб, шон-шухрат,
Эҳ, кўксимга ураман!
Бундай зўр тушни энди,
Яна қачон кўраман?

ХИНО

Болаларни тўйдирдим,
Ётоғига жойладим,
Ҳайит қилиб, кўлларимга,
Шу тун хино бойладим.

Дедим: — Бутун синаб кўрай,
Ҳафсалаю сабримни,
Болаларнинг дадаси ҳам
Кўриб кўйсин таъбимни.

Хино ахир бизлар учун,
Момолардан меросдир,
Билмам, нега унга ҳозир
Аёллар беихлосдир.

Бу фикримни ногоҳ бўлди,
Жавраб кириб хўжайин,
Бир тулмаси бўшаб қотти,
Йўл-йўл батис кўйлагин,

Боелиқ икки кўлим билан,
Келтирдим ишү игна,
«Хином бор» деб, узр айтиб,
Қараб турдим жимгина,

У-чи, сўзсиз лавнатлади,
Бир хиномни, бир мени,
Тажанг бўлиб, узок тургач,
Кўлга олди игнани.

Мени яна ҳасл торгли:
Сабр қилиб бутун тун,
Тонгла очсам кўлларимни,
Кафтим бўлар лолагун.

Бу фикримни шартта бўлди,
Даламизнинг «вой, дол!»и,
Уйдан ҳатто кўшниларга
Эшитилди фарёди.

Дедим: — Ҳай, ҳай, нима бўлди?
Деди: — Вой, вой, жон чиқди!
Игна кирди жимжилокқа,
Мана кўртин, қон чиқди!

Иситмам ҳам чиқса керак,
Ўлчагич кўй, кўйнимга,
Кўлпинамни секин бойлаб,
Осиб кўйтин, бўйнимга.

Рози бўлгин мендан хотин,
Ўлиб қолсам бўлма лол,
Кўз ёшингни арту ўтир,
Васиятга қулоқ сол.

Жон чиқарда тилдан қолсам,
Куриб қолса томоғим,
Оғзимга оқ пахта билан,
Сув томизгин, уч томим.

Болаларни ўқситмагин,
Эҳтиёт бўл ўзингга,
Бева қолгач, сурма-пурма,
Кўйиб юрма, кўзингга!

Видолашдик, у ўлимни,
Эснаб-эснаб, кўп кутди,
Сўнг кўрпага бурканди-ю,
Бармоғини унутди.

Эс-хушимни йиғиб секин,
Кўлга олдим итнани,
Қалаб кўйдим кўйлаклаги,
Бўшаб қолган тугмани.

Қайда қолди кўйган хином,
Сурган ширин хаёллар,
Охир билдим, нега хинно,
Кўймас ҳозир аёллар.

АРМОН

Севиб олма оттандим,
Осмонга бориб етди.
Ойни мўлжаллагандим,
Юлдузга тегиб кетди.

Мен мўлжалда адашдим,
Оҳ, ёнаман пушмонда,
Юлдуз «учиб» куйлирар,
Ой ҳалиям осмонда.

ЭЪТИРОФ

Мен биламан қандайлигимни,
Жиннига ҳам яшаш осонмас,
Унга душман керакмас ўзи,
Ўзи билан яшар қасда-қасд.

Унинг умри жангдан иборат,
Душманлари — ҳур фикрлари,
Толғи ҳам, бахтсизлиги ҳам —
Бошқаларга ўшамагани.

ДЎСТИМИЗ ИЗЗАТИЛЛОНИНГ ПЎСТИНИГА

(Абдулҳай Каримов тилидан)

Қиш кунлида борганда Самарқандга бечопон,
Сени кийдириди мента бир ошнои қадрдон,
Деди: «Унга етунча кийиб юринг, акажон»,
Каттакўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

«Бу қаҳратон совуқда юриб бўлмас пўстинсиз,
Йил шамоллаб қолманг, ҳофизгина дўстимсиз»,
Мана ҳам бўлдинг жонимга, нима қилардим сенсиз?
Каттакўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Фил териси эдингми, бунча қалин бўлибсан?
Қай манзилда ошланиб, қай манзилда қурибсан?
Шу ерда ҳам эганга савоб йиғиб юрибсан,
Каттакўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Кийиб юриб қилурман, ҳар тутманга минг шукр!
Ҳар ёқанг-у, ҳар ёнинг, ҳар бурманга минг шукр!
Ҳар чўнтагинг, ҳар чокинг, ҳар бўлманга минг шукр!
Каттакўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Олқишлаб юрди сени, ҳар елкам, ҳар курагим,
Сен илик сақлаб турган, ўпка, бўйрак ҳар суягим,
Меҳр учун таъзимда, ҳаммадан ҳам юратим,
Каттакўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Гоҳо бошимни ўраб, гоҳо ёпдим устимга,
Гоҳо елкамга ташлаб, гоҳ тўшадим остига,
Қаитганингда бир кучиб, «рахмат» деб кўй дўстимга,
Каттакўрғонлик дўстим устимга ёпган пўстин.

Сажина қарич жуссамга бир енгинг ҳам етарди,
Сонқотинида янганг ҳам кирса, сиғиб кетарди,

Жаннатда юртанлайин жисмим кўшиқ айтарди,
Каттакўронлик дўстим устимга ёшган пўстин.

Қилиб юрдим дуолар, чертиб, қоқиб, пуф-пуфлаб,
Чўнтақлари ақчага тўлиб юрсин, суф-суфлаб,
Сени кийган дўстимга кўз темасин, туф-туфлаб,
Каттакўронлик дўстим устимга ёшган пўстин.

Энди ҳар қиш сени бир эсламасам бўлмайди,
Ошноларга сен ҳақда сўзламасам бўлмайди,
Сенга атаб бир кўшиқ қуйламасам бўлмайди,
Каттакўронлик дўстим устимга ёшган пўстин.

Ашбор-ла соҳибингни дуо қилур Марҳабо:
«Иссиқкина танида эскиртгин, иншаоллоҳ,
Умрию давлатини зиёда қилсин Оллоҳ»,
Каттакўронлик дўстим устимга ёшган пўстин.

ЎЗБЕКЛАРДА ШУНАҚА

Сўритокларда узум, новдаси кулоч-кулоч,
Айвонида ҳар баҳор бола очар қаллирғоч,
Салом бериб кирса ким, тўйиб чиқар бўлса оч,
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Яшаб юриши мумкин кўл, оёғу бармоқсиз,
Аммо яшай олмайди эл-юрт, уруғ-аймоқсиз,
Кузатишмас меҳмонни новот, майиз, қаймоқсиз,
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Камширларин кўлида, қуйлайди урчугийм,
Боламга деб дон чўқир каштар, чуғурчуғийм,
Ўғил кўрса тўй қилар, хаттоки чумчуғийм,

Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Тун қилиб, эл-юртга едириб, маза қилар,
Қушларига чопон кийдириб, маза қилар,
Бу маззани лондонлик бой ота қайдан билар?
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Қондай яшаб бўлади хандалаксиз, қовунсиз?
Эркак эркак бўтими, улоқ, кураш ўйинсиз?
«Бурсиз ҳам элман» деган сафатани кўйинг, сиз,
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Анг қилар қайси эл биздай ота-онани?
Ён кўшниси тўй қилса, чиқмаганам одамми?!
Не бўларди Ўзбексиз инсоният олами?
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Ённик майли, суматин, кўриб дол бўлганлар бор,
Минг йил олдин ҳам бу эл эди буёқ ижодкор,
Фарангиларин қонига яшар ўша иқтидор,
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Юрт атланиб кузатсанг, бозори йўқ баққолсиз,
Юртинмайди чоллари дуоларсиз, соқолсиз,
Тинин учинда ҳазил, тап таширмас мақолсиз,
Биолоғим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Янги пишган анжирин, иллинар кўшнисига,
Нон ёшнит, деб тандирин, иллинар кўшнисига,
Уч кун уйда бўлмаса, биллинар кўшнисига,

Биғолмадим Фарангу Африкода қанақа?
Дунё хайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Шу миллатнинг кўксига, туриб ой сочар зиё,
Шундай яшаш кераклир, аслида бутун дунё,
Бу элатни бошқача қилиб бўлмас, Марҳабо,
Биғолмадим Фарангу Африкода қанақа?
Дунё хайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

МУНДАРИЖА

Каттиларга насиҳат	3
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо	5
Ироннинг боласи уйимда	6
Унгл боланг — биронинг ҳасми	8
Куним, қайнонанг — тилло	10
Куним аразлаб келди	12
Кунимга илтижо	14
Мурсасиз келинлардан дол!	16
«Асди ойи»	18
Кутилсан	21
Кула бўлиқ	23
Хорват	25
Сетир она	26
Равали	27
«Ғафбиркор» аёл	31
Ўлишта	34
Навонига кўшни бўлсам	38
Повлижга қасида	39
Қарабгуллухга мактуб	41
Ҳажнома	42
Ранжон	45
Момохон пошпойимга	47
Боланга	49
Тилик	50
Мастаб	51
Едим	52
Маст бўлишимиз	53

Йишани ўртаман	55
Ўзингизни эҳтиёт қилинг	57
Кетин танлаганда адашманг	60
Биз куйдириб кетган йигитлар	61
«Ушаб туринг»	63
Дунёнинг бир қавати	66
Тақдирга ам қойилманг!	66
Замонавий эртақ	68
Товус	70
Чимилдиқдаги насихат	71
Изҳор	72
Жавоб	73
Анжонликка ўхшайди	74
Иккинчи китоб	75
Хино	78
Армон	80
Эътироф	80
Дўстимиз Изатиллонинг пўстинига	81
Ўзбекларда шунақа	82

Адабий-бадший нашр

МАРҲАБО

(Марҳабо КАРИМОВА)

ЎЎЎЎЎ ЁЁ ЎЎЎЎЎ

Шеърлар

Муҳаррир М.Талипова
Музаххих И.Турсунова
Саҳифаловчи Б.Аббосова

Нашр. лиц. А. I № 276 15.06.2015

Босишта рухсат этилди 21.09.2017 й. Бичими 84x108 1/32

Оффсет қоғози. Ризограф усулда. Т.ш есгарнитураси.

Шартли босма табоғи 5.07. Нашр хисоб табоғи 4.57.

Адади 1000 нусхада. Буюртма № 1169






«LESSON PRESS» МЧЖ наприёти

100071, Тошкент ш., Камолон кўчаси, Эркин тор кўчаси, 13

“BUSINESS PRINT PLUS” MCHJ boshqaruvida chop etildi.

Toshkent shahar Chilonzor tumani

Sugallı ota 5 uy



ISBN 978-9943-4666-3-0
9 789943 466630